

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ
ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!
Ҳаммамиз учун қувончли ва ҳаяжонли бўлган ушбу айёмда энг улғу, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг тўққиз йиллик шодиёнаси билан барча юртдошларимизни, бутун халқимизни чин қалбимдан муборакбод этаман.

Мухтарам дўстлар!
Бундан тўққиз йил муқаддам халқимизнинг букилмас иродасига суяниб, асрлар бўйи давом этган қуллик ва қарамлик занжиридан озод бўлиб, ўз тақдирини ўз қўлимизга олдик.

Ўз қадр-қимматимиз, миллий давлатчилигимиз, маданиятимизни, муқаддас қадриятларимиз, тилимиз ва динимизни қайта тиклаб, эгона халқ, эгона миллат бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб оро-эътибор қозонишга эришдик.

Бутун янги демократик давлат, адолатли жамият куриш, беқиссалоҳиятимизни ишга солиш, иқтисодиётимизни ривожлантириш ва маънавиятимизни юксалтиришда, бир сўз билан айтганда, Ватанимизни обод қилиш, шу муқаддас заминда яшётган одамларга фаровон ҳаёт шароити яратиш бериш йўлида халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик фаолияти яққол намойи бўлмоқда.

Бутун амалга оширган улғувор ишларимизни сарҳисоб қилиб айтадиган бўлсак, бу ишлар Ватанимизнинг катта тараққиёт йўлига чиқиб олиши, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши, буюк мақсадларимизга эришиш борасида қўйилган биринчи қадамлар эканини ҳаммамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Қўзлаган юксак марраларимизга етиш учун белни қаттиқ боғлаб меҳнат қилишимиз, олдимизда турган кўп-кўп мураккаб муаммоларни ечимизиз даркор.
Ана шу муаммоларни ҳал этиш учун биз аввало ўзимизга қандай гоё, қандай маслакни байроқ қилиб олишимиз лозимлигини, бу борада бизга нима нарса бўлиб турганини ва улардан халос бўлиш йўллари яққол тасаввур қилишимиз зарур.

Булар қаторидаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз-авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни асраб-авайлаб, янада боитишимиз, улғу аждоқларимиз ишнинг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор.

«Авесто» каби қадимий ёдгорликларни эслаганда, Бухоро ва Самарқанд, Шахрисабз ва Хивадаги, Насаф ва Термиздаги тарихий обидаларни кўрганда, гўзал Фарғона vodiysini келганда, муазам пойтахтимиз Тошкентнинг бутунги жамолини кўрганда қалбимизда биз дунёда ҳеч қимдан кам эмасмиз, деган миллий гурур, миллий ифтихор туйғулари жўш уради.

Шундан келиб чиққан ҳолда, ишонч билан айта оламиз: бизким — Ўзбекистон халқи, ана шундай улғу зотларнинг авлодимиз, ана шундай беқиссалоҳиятимиз, олдимизда ана шундай юксак мақсадлар қўйишга ҳақимиз ва ўлмас меросимиз, умминсоний қадриятларга суяниб буюк марраларга эришмоққа қодиримиз.



Биз ўз тарихимизда ҳеч қачон, ҳеч қимга ҳасад, ёвуз ният билан қараган эмасмиз ва бошқалардан ҳам шундай талаб қилишга ҳақимиз.

Бутун ёшларимиз қалбидан, мен мана шундай буюк эл, бетакрор юрт фарзандиман, деган ҳиссиётни қарор топтириш — биз учун гоёт муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, оёқ-қўлимизни, онгу тафаккуримизни боғлаб турган эски тушунча, эски асоратлардан тезроқ халос бўлишимиз, ҳар бир инсон аввало ўз кучига ишониб, янгиликка интилиб янаши, тadbirkorлик, ташаббус, изланиш, ислохотларни тезлаштириш, уларнинг самарасини ошириш — ҳар биримиз учун энг долзарб, керак бўлса, ҳал қилувчи вазифа эканини барчамиз чуқур англаб олишимиз зарур.

Хурматли юртдошларим!

Бутун олдимизда турган ўта муҳим, улкан вазифалардан яна бири — бизнинг ўрнимизга келаятган, ўз фикри, ўз дунёқарашини, замонавий билим ва тафаккурга эга бўлган янги авлод тарбиясидир.

Мен ана шу буюк мақсад учун ҳеч нарсани аямаслик, барча имкони-ятларини сафарбар қилиш, фарзандларимиз олдидаги, келажак олдидаги ота-оналик бурчимизни адо этиш — умуммиллий вазифамизга айланишини истар эдим.

Бутунги кунда ён-атрофимиздаги аҳволни теран англаб ҳолда, яна бир масалага алоҳида эътибор беришимиз даркор.

Лоқайдлик, бепарволик, беғамлик, гофиллик иллатларидан халос бўлишимиз, доимо хушёр, огоҳ бўлишимиз зарур. Ватан, эл-юрт қувончи, унинг ғам-ташвиши билан яшаш, эл бошига иш тушганда мард бўлиб майдонга чиқиш — ҳаётимизнинг маънамазмунига айланиши керак.

Қадрли ватандошларим!
Мен бутун шу юксак минбардан туриб, гўзал ва бетакрор мамлакатимизнинг ҳақиқий эгалари бўладиган миллион-миллион ёшларимизга, паҳлавон фарзандларимизга айтмоқчиман:
— Эй, улғу Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу-

интилишимиз, қўзлаган мақсадимиз, қиладиган ишларингиз кўп.

Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифангиз — юртимиз истиқлолини, халқимиз эркин озолигини кўз қорачигидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

Мен ушбу муборак айёмда сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик-осойишталикни қўқсини қалқон қилиб ҳимоя этаётган барча аскаларимизни, барча ҳарбийларимизни бутунги байрам билан ўз номидан, бутун халқимиз номидан бағримга босиб, алоҳида табриклайман.

Ёвуз террорчи тўдаларга қарши курашларда жон фидо этган жасур ўғлонларимизнинг сўнмас хотираси олдида, ана шундай асл, мард фарзандларини воёга етказган ота-оналари, оила аъзолари, ёру биродарлари олдида бош эгаман.

Азиз дўстлар!
Халқимиз ўзининг буюк тарихида кўп-кўп машаққатли синовлардан, ҳаёт бўронларидан кучли иродаси, пок иймон-эътиқоди туйғайли омон чиққан.

Бутун кўпмиллатли халқимиз ордимида ҳукми сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳилликнинг қадриятимизни айнақса чуқур англамоқда.

Бунёдкорлик меҳнати билан ана заманимизга чирой бағишлаб, ёру ният ва тилаклар билан янги асрга қадам қўймоқда.

Ишончим комилки, ана шундай туйғулар, эзгу интилишлар билан яшаётган халқ ҳеч қачон кам бўлмайд.

Бундай халқнинг олижаноб орзу-умидлари ижобат бўлмай, Яратганимизнинг ўзи бу йўлда мададкор бўлмай, ишонч-оллоҳ.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Ушбу кутлуг оқшомда доғиманд отахонларимизни, муносиб онахонларимизни, меҳрибон аёлларимизни, гўзал қизларимизни, азамат йигитларимизни, жондан азиз фарзандларимизни — бутун Ўзбекистон элини бутунги буюк байрам — Мустақиллик куни билан яна бир бор табриклайман.

Барчамизнинг бошимиз омон, юртимиз обод бўлсин!
Ўзбекистонимиз дунё турғунча турсин!
Янги аср биз учун тараққиёт ва саодат асри бўлсин!

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ozbekiston ovozi

Шу азиз Ватан — барчамизники

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOVIY GAZETASI 2000 YIL 1 SENTABR JUMA № 105-106 (26.656)

ИСТИҚЛОЛ ВА ТИНЧЛИК СЕНГА ҚЎШ ҚАНОТ,
ПАРВОЗ ЭТ ОНА-ЮРТ — ЭНГ ГЎЗАЛ БАЁТ!

ҚУТЛУҒ АЙЁМИМИЗ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШ ОРҚАЛИ ДУНЁНИНГ
50 ДАН ОРТИҚ ДАВЛАТЛАРИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ НАМОЙИШ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон диёрида яна мунаввар тонг отди. Азиз юртнинг азиз одамларини муборакбод этиш учун шошилиб-шошилиб оқармоқда тонг! Мустақиллик — эллар, элатлар орузи! Дунё аҳлининг муқаддас байрами. Унинг тонги шукҳди, тароватли! Тоғлар — ватан соқчилари, бутун кур тўқадди Ўзбекистонда — тонгни илк қаршилаётганидан. Аҳли эл уйроқ! Ҳар кунгидек мудроқ кўзларини укалаб тонгни қаршиламайди бутун. Уйроқ кўзи-ла, кўнгли кўзи-ла, қаршилайди муқаддас кун тонгини. Балоғатга етган қизлар, йигитлар ҳам оро беради ўзига бутун. Юзидан нур ёғилиб турган оталар, оналар ширин жимайиб боқадди тонгга! Фарзандлари, набиралари, келажак авлодининг ёруғ куни бу кун!

Ҳамма покиза қаршилашга шошилади бу кунни! Марҳабо, истиқлол! Марҳабо, муқаддас кун!

Кўкатлар, дов-дарактлар яшнаб кетади тонгги кўшдан. Шукрона айтади муқаддас кун шаънига борлик. Биз элатдошларимизнинг, миллатдошларимизнинг чехрасига синч-ла боқамиз. Уларнинг юзида, кўзида ёруғ кунимизни ўзинг асра Танграм, каби ифодалар жонланади. Атрофида шодон, қувноқ чопқиллаб юрган болаларини, миллатимизнинг давомчиларини муқаддас кун билан ошно этади. Камалак рангда жилланаётган байроғимизни, оламга бахт элтаётган тўғроғимизни, дунё халқларига осойишталик тилаётган маҳдиямизни англайди, тушуниради болаларига. Ахир улар муқаддас кунимиз рамзлари, истиқлолимиз, эркимиз, озолигимиз борлиққа ифода этувчи, ривожланган давлатлар қаторидан жойимизни белгилувчи, юрак кўрида, қалб тўрида асрагувчи борлигимиздир! Сочларига бежирим жамалак таққан қизалоқлар, оқлик рамзи бўлсин деб оқ қўйлақ кийиб олган ўғиллар атрофга завок билан қарай бошлайди. Муста-

қилигимиздан баҳра олаётган юраклар. Марҳабо, истиқлол! Марҳабо, муқаддас кун!

Кўёш чошгоҳга қараб ҳаракат қилаверади, у ҳам тезроқ нури чехраларни кўришга интилади. Ҳатто замин у замонаг тинчлик тилаб, муқаддас кун тилаб, тасбех ўтиради Кўёш. Бир чўни бағрида думалатаётган осмон нақадар мусоффо. Қарасанг, кўзинг равшанлашади. Тафаккурингга фикрлар келаверида — гўзал, ширин, ҳаётбахш

фикрлар. Тикилиб қарасанг, мовий самода юлдузларнинг жимираганини кўрасан. Гўё улар ҳам муқаддас кунимиз билан қутламоқда бизни. Элим, сенинг заминингга Тангри меҳри тушди. Шу ваҳдан қуриган таъқни ерга суқсанг албатта мева беради. Бир сиқим тупроқни қафтинга олсанг, зарга айланиши муқаррар. Фасларга боқ, баҳор, ёз, куз, қиш. Қачон, қайси асрда кун тартибини ўзгартирган сенга меҳмон бўлишда бу фаслар?! Сен шун-

дай муқаддас юрт эгасисан. Гиёҳлар, неъматлар кўзинг нури, белинг қуввати. Ҳаётинг тиргаги—ота-юрт! Ўзбек, сен шу юртда камол топдинг, ризқлдинг. Эъозла, кўзингга сурт Ўзбекистонни! Марҳабо, истиқлол! Марҳабо, муқаддас кун!

Ўзбегим она шаҳри—Тошкентнинг истироҳат бовари, каттаю кичик майдонлари, гулларга безанди бутун. Муқаддас кун неъматидан тотинади аҳли эл. Барглар шивирди, кўш-

лар чуғурида, сувар жимирида сенга олқиш, элим! Кўчалар, майдонлар файздан ҳайратлан. Сен атрофга кўнгли кўзи-ла боқ, теран нигоҳлардан жимираган кўзларинг. Юрти обод, эли озод Ватанинги фуқароси теран боқайди оламга. Унутма, ҳадису шарифдаги: «Ўзларинг қандай бўсаларинг шундай раҳбар тайин этаман» — деган ҳикмати сўзни. Бир улғу, доно, осмондек баррикент, заминдек саховатпеша, тоғлардек салобат келбати, дарёдек муруватли, уммондек сокин юртбошинг бор, элим.

Улуғ байрам — миллат ёруғлиги, Ватан шарафи, халқ ифтихори. Мана тўққизинчи бор нишонлашимиз муқаддас байрамимизни. Дунёнинг энг чекка бурчакларига ҳам ойини жаҳон орқали, тўғридан тўғри олаб кўрсатилаётган Озодлигимиз нишониси. Меҳмондўст, сахий кўнгли халқимиз ҳақида дунё аҳли илқ гаплар айтади бутун. Тарихимиз, Ватанимиз, заманимизга бир кур назар ташлайди улар. Ахир бундай оналарда фахрланмай бўладими?! Ахир бир пайтлар отин қафас ичра битган қизил гул эди Ўзбекистон. Эрк — булбул эди тикозорни ошиён этган. Мустақиллигимиз абадий бўлсин, эркимиз ўзимизга доимо йўлдош бўлсин. Марҳабо, истиқлол! Марҳабо, муқаддас кун!

Кўёш аста уфққа инди. Соат 19.30.

Мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдони байрамона безатилган. Бу ерда республика ҳукумати аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари вакиллари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар, элчихоналар раҳбарлари ҳозир бўлган. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни олқишлар билан кутиб оладилар.

(Давоми 2-бетда)

КЎНҒИРОК



Газетамиз ходимлари масъулиятни ҳис қилиб ишга киришдилар. Миллий истиқлолимиз байрам, айни дамда давом этаётган Олий Мажлис сессияси кун тартибига қўйилган масалалар, мамлакатимиз сарҳадига бўлаётган воқеа-ҳодисалар жойидан хабар бераётган мухбирларимизнинг материаллари, қолверса, ҳар бир юртдошимизнинг озолиққа бўлган муносибати эътиборимиздан четда қолгани йўқ. Гапнинг очиги, бутунги кунда журналистика тафаккур қақмоғидан тез равишда шаклланиши, янгилик содир бўлган жойга шу заҳоти етиб бориши зарур. Хуллас, ана шундай иш жараёнида бутунги энг тотли айёмимиз билан қутлаб, республикамиз тараққиётини нисбатан фикр ва мулоҳазаларини билдирган дўстларимизнинг сўзларини ҳам ўқувчиларимизга ҳавола қиламиз.

Ўрозназар ХОДЕКОВ,

«Ашгабат» газетаси бош муҳаррири (Туркманистон):

— Айёмимиз кутлуг бўлсин. Сизнинг айёмингиз бизнинг кўнглимизни шод этади. Биз — интилишлари уйғун, бир-бирдан ажратиш мумкин бўлмаган халқларимиз.

Амир МУСТАФОЕВ,

«Азарбайжан» газетаси бош муҳаррири (Озарбойжон):

— Истиқлол айёми билан бизни ва барча ўзбекистонликларни қутлаб, қардош ўзбек тупроғида тинчлик бўлишини хоҳлайман. Уйлайманки, «Ўзбекистон овози» газетасининг ҳам, бизнинг «Азарбайжан» газетамизининг ҳам асосий мавзуси тинчлик ва барқарорлик бўлиб қолади. Ўзбекистон — кудратли юрт. Унинг келажига ишонман.

«Азарбайжан» газетамизининг ҳам асосий мавзуси тинчлик ва барқарорлик бўлиб қолади. Ўзбекистон — кудратли юрт. Унинг келажига ишонман.

Ражаб МАРДОНОВ,

«Жумҳурият» газетаси бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари (Тожикистон):

— Ўзбек халқи билан азалий қондош-жондошимиз. Бутун ҳам Ўзбекистон ўз халқи келажига учун қатъият ва матонат билан илдамлаётган мамлакат. Ўзбек халқи ўз Президенти атрофида жипслашиб, бу гўзал ўлкада тинчлик ва барқарорлиқни таъмин этаювчи ҳаммамиз

ишонамиз. Улуғ айёмда Сизга Истиқлол бардавонлигини истайман.

Ержуман СМОЙЛ,

«Егемен Қазақстан» газетаси бош муҳаррири (Қозғоғистон):

— Ўзбекистоннинг эртаси ёруғ. Ўзбек халқи ўз тинчлигини, ўз истиқлолини ҳимоя қила олади. Ана шу халқнинг хоҳиш-иродасини акс эттиришда сиз ҳамкасбларимга куч-қувват тилайман.

Догдурбек ЮСУПОВ,

«Қыргыз туусу» газетаси бош муҳаррири (Қирғизистон):

— Ҳар бир Ўзбекистон хонадони нурга тўлсин. Шунданга биз қирғизлар ҳам ўз қардошларимиз қувончидан қувонамиз. Ҳозирги пайтда халқаро терроризм тинчликка ҳамла қилиб турган пайтда Ўзбекистон давлатининг инсон бахти ва саодатини ўйлаб майдонга чиқиси Марказий Осиё халқларини руҳлантиради.



Оамимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислому Абдуғаниевич, Миллий байрам — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Исроил Давлати халқи ва шахсан ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига қутловлар йўллашга ижозат бергайсиз.

Сизнинг ўзингизга омонлик, Ўзбекистон халқига эса бардавот тараққиёт ва раванк тилаб билдирган самимий истакларини изҳор этаман.

Моше КАЦАВ,
Исроил Давлати Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари!
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан бағоят самимий қутловларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Болгария Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан маънавий дўстона муносабатлари, шунингдек, икки томонлама фаол сиёсий мулоқотни юксак қадрлайди. Биз бу мулоқотни халқларимизнинг ижодий салоҳиятини рўйбга чиқариш, «Европа-Кавказ-Осиё» транспорт йўлагини барпо этиш мақсадида, тинчлик ва барқарорликни ҳамда ўзаро ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам ривожлантира бораверишимизга астойдил ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг гоят юксак эҳтиромини изҳор этаман ҳамда мамлакатингизга муваффақиятлар ва раванк тилайман.

Петар СТОЯНОВ,
Болгария Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислому Абдуғаниевич!
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан шахсан ўз номидан ва Қозоғистон Республикаси халқи номидан Сизни сизидилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Шуни таъкидлашни истардимки, Қозоғистонда биродар қўшни — Ўзбекистон билан ишончли ва дўстона муносабатларни ривожлантиришга муҳим аҳамият берилмоқда.

Халқларимиз ўз аждодларининг тинчлик ва тотувликда яшаш керак, деган васиятларига ҳамisha қатъий амал қилишларига ишончим комил. Қозоғистон билан Ўзбекистон ўртасида ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама ҳамкорлик доирасида самарали сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларда йил сайин кенгайиб бораётган алоқалар бунинг гаровидир.

Мухтарам Ислому Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга ва ёр-биродарларингизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, бутун ўзбек халқига тинчлик, омонлик ва раванк тилайман.

Нурсултон НАЗАРБЕКОВ,
Қозоғистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислому Абдуғаниевич,
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали бутун биродар ўзбек халқини самимий муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Тожикистон аҳлининг ишончи комилки, ўтиш даврининг ҳар қандай қийинчиликлари ва чигалликларига қарамай, бизнинг тарихан таркиб топган анъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатларимиз давлатларимизнинг гуллаб-яшнаши, минтақамизда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлида тобора ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверади.

Ислому Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга сийҳат-саломатлик, бахт-саодат, биродар ўзбек халқига эса тинчлик, омонлик ва раванк тилайман.

Имомали РАҲМОНОВ,
Тожикистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислому Абдуғаниевич,
Ўзбекистоннинг миллий байрами — Мустақиллик куни муносабати билан Беларус Республикаси халқи ва шахсан ўз номидан йўллаётган самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам ўзбек ва беларус халқларининг бахт-саодати йўлида ривожланиб бораверишига ишончим комил.

Мухтарам Ислому Абдуғаниевич, Сизга мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли давлат фаолиятингизда муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса омонлик ва бахт-саодат тилайман.

Александр ЛУКАШЕНКО,
Беларус Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Ислому Абдуғаниевич,
Миллий байрам — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини самимий ва сизидилдан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, Мустақиллик йилларида барқарор ва бунёдкор, гоят катта экспорт салоҳиятига эга бўлган давлат буюбига эришган Ўзбекистон Республикаси бундан буён ҳам халқаро майдонда ўз мақодини мустаҳкамлаб бораверади, белгиланган барча ислохотларни муваффақиятли амалга ошириб, жамият тотувлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлайди.

Молдова ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги анъанавий дўстона ва яхши муносабатлар янада фаол ривожланиб, ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам негизи бўлиб қолажаги ишонаман.

Азиз Ислому Абдуғаниевич, Сизга сийҳат-саломатлик ва муваффақиятлар, бутун ўзбек халқига тинчлик ва омонлик тилайман.

Камели Эхтиром ила,
Петр ЛУЧИНСКИ,
Молдова Республикаси Президенти

ИСТИҚЛОЛ ВА ТИНЧЛИК СЕНГА ҚЎШ ҚАНОТ, ПАРВОЗ ЭТ ОНА-ЮРТ — ЭНГ ГЎЗАЛ БАЁТ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Улкан майдон узра Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллигига бағишланган байрам тантаналарининг бошланганидан дарак берувчи чорлов садолари янгради.

Байрам тантанасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислому Каримов нутқ сўзлади. Юртбошимиз улур ва муқаддас байрам билан мамлакатимиз аҳлини қизгин табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси осмон қадр бўйлайди.

Пойтахт осмонини ранго-ранг мушаклар чаровон этиб юборади. Майдонга йирилган барча кишиларнинг кўнглида фахру гурур барқ уради. Кўнглилар ҳам осмон янгли ёришиб кетади.

Улкан саҳнада энг улур, энг азиз байрамга бағишланган театрлашган томоша бошланади.

«Жаҳонда ягона Ўзбекистоним» кўшигининг оҳанглари қанотида саҳнага паридек қизлар чарх уриб келади. Чирпираб рақс тушаётган қизлар, йигитларнинг нафис ҳаракатлари кўнглиларга сурур бағишлайди. Ватан — овоз, Мустақиллик — боқийлиги ҳақидаги туйғулар дилларни чулғайди.

Куй-қўшиқлар, диалог рақслар тобора авжланади. Майсалар, гиёҳлар, кўшлару зилол сувлар жўр бўлмоқда кўшиғимизга. Тоғлар гўмбурлаб садо беради юрак зарбларига. Бағрида авайлаб-асраган Озодлик кўшларини осмонга учириб, атрофга ҳусну тароват улашади, алвон-алвон гул кўтарган ўзбек қизлари нигоҳлари ўткирлашар, қадамлари шаҳамлашар, ўғлонларнинг. Истик-

лол кўшиқлари кексаю ёшнинг кўнглига миллий гурур солади, Ватанни уйғотади дила, уни қорачиқ каби эъзозлашга чорлайди, озодлик кўшиқлари. Марҳабо, истиқлол! Марҳабо, муқаддас кун!

Биз пойтахтнинг гавжум жойлари, сайилгоҳларида бўладик. Одамларнинг айтгани — **Тинчлик, Хотиржамлик.** Агар тинч-тотувлик бўлса янада гуркираб ўшимиз мумкинлигини айтишади. Энг аввало хушёр туришимиз, ванимга имкон бермаслигимиз кераклиги ҳаёт-мамонт даражасидаги масалага айланганини ҳар ким ҳис қилади.

— **Биз мустақилликни беҳудага кўлга қиртилмаганимиз.** Халқимизнинг неча йиллардан бери шу йўлда курашиб келгани ҳамда қанчааб удуваримизнинг қони тўкилганини ҳаммамиз яхши биламиз. Озодликни қўлдан беришимиз ўлим билан баробар. **Мутеликка, қоламизми, тагин!** Йўқ, бу кунлар учун жон кетса, кетсин. **Эртанги авлодларнинг яхши ва фаровон яшаши, келажак тақдирини бутун ҳар қайсимизнинг фиғойилгимизга боғлиқ — геёғи**

Ўзбекистон Миллий университетининг тилабси Ойдиннисо Курбонова шундай дейди:

— **Озодлик нури ичимизни ёрқинди. Бундан биз куч оламиз, қувват оламиз.**



Бутунни шунчаки байрам деб эмас, миллатнинг туғилган куни, ҳар бир ўзбек, ўзбекистонликнинг туғилган куни деб, биламан. Ер юзига бутун инсониятга мен борман, мана мен озодман, мана мен миллатман, деб дағил ай-тиганимизга бутун ролпа-роса тўққиз йил бўлди. Бутун ор-номусимиз ҳимоя қилинган, виждонимиз покланган — ўзимизни Инсон сифатида ҳис қилган кунимиз. Шу боғлиқ, бунининг аҳамияти тириклик қағар, келажак қағар. Буни шоирона гаплар деб ўйламан.

Манзура Эрғашева,
Наманган шаҳридан:

— **Кеча Олий Мажлиси миз сессиясини ҳаммамиз телевидения орқали ҳаяжонланиб кузатдик. Чиндан бу юрт безга эмас. Эғали. Душман хомхаёлга бориб, шундай қурғатли халқни енаман, тупроғини топтайман, деб ўйлайпти. Бутун барча ёшлар, жумладан, наманганлик ёшлар ҳам террорчиларнинг аса қиёфаси, ваҳиёна мақсаглари билан олишган. Энди бизни ҳеч бир сафсата билан оғдиролмайди. Душманларимизнинг қўзини кўйдириб, озодлик кунини нишонлаямиз. Худо хоҳласа, элимизга истиқлол тўйи асрлар давомида нишонланаверади. Мустақиллигимиз бардавон.**

Абдусалим Тошқобоев,
Сурхондарё вилояти Сарийоси тумани «Дашнобод» жамоа хўжалиги:
— **Ўзбекистоннинг обрўси ошиб,**

Алимулло СУЛТОНОВ,
Юсуф ЖўРАЕВ,
Қўчқор НОҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Суратларда: Байрам тантаналаридан лавҳалар
Шавкат АКРАМОВ ва **Ўза Олган суратлар.**

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

31 август куни Тошкентда иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Йиғилишни Олий Мажлис раиси Э. Халилов бошқарди. Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озик-овқат кўмитаси раиси И. Қаландаров, «Қишлоқ хўжалиги ўсмакларини зарарқонандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Ушбу қўнун лойиҳаси муҳокамаида Тошкент шаҳар тез ёрдам клиник шифохонаси бош шифокори Т. Миродилов, Олтинриқ тумани ҳокими Н.Омонов, Шаҳрихон туманидаги А. Саримсоқов номи ширкат хўжалиги раиси У. Бозорбоев, Сурхондарё вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг қўрилагетган қорхоналар билан бирлашган дирекцияси директори Э. Донаев, Меҳнатобод тумани ҳокими А. Синдаров, соғлиқни сақлаш вазири Ф. Назиров иштирок этди. Парламент қўнун лойиҳасини қабул қилди.

Депутатлар Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитаси раиси И.Кочмаркининг «Почта лойиҳаси тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси юзасидан маърузасини тинглашди. Қўнун лойиҳасини муҳокама қилишда «Андижонгўштсўтсанот» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П. Мамаков, Урганч тумани ҳокими К. Нуниезов иштирок этди. Олий Мажлис «Почта лойиҳаси тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини тасдиқлади.

«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини Атроф-муҳит ва табиати муҳофазаси қилиш масалалари кўмитаси раиси Қ.Жумабеков депутатлар эътиборини қўнун лойиҳаси муҳокамаида Андижон давлат тиббиёт институтини раиси Т. Даминов, «Намангангаз» бошқармаси бошлиғи З. Тожибоев, «Фаргонанефтехиммонтаж» трести бошлиғи Р. Жалилов сўзга чиқди. Парламент «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини тасдиқлади.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов депутатлари «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси билан таништирди. Мазкур хўжжат муҳокамаи юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот котиби хизмати бош консултанти Р.Жумаев, Узтелеарақокомпания «Ахборот» дастурининг Фаргона вилоятидаги махсус мухбири М. Обидов, Амурдәр

тумани ҳокими Р. Йўлдошев сўзга чиқди.

Депутатлар «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, уни умум-халқ муҳокамаида қўйишга қарор қилди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси О.Мурсумонова депутатлар эътиборига «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур қўнун лойиҳаси муҳокамаида Андижон давлат тиббиёт институтини клиникаси бош шифокори А. Абдуллоев, Оммавий ахборот воситаларини қўлаб-қувватлаш ва демократлаштириш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раиси, «Хуррият» газетаси бош муҳаррири Х. Дўстмухаммедов иштирок этди. Парламент қўнун лойиҳасини қабул қилди.

Депутатлар Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси уринбосари М. Сафоеваннинг маърузаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнунчилик хўжжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритди.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси имзолаган бир қанча халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди.

Депутатлар сессия котиби-

яти раҳбари М. Зокировнинг парламентга келиб тушган аризалар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва Олий Мажлис Кенгаши қарорларини тасдиқлади. Олий Мажлиснинг айрим кўмиталари ва комиссиялари таркибига ўзгаришлар киритилди. Ёшлар ишлари комиссияси Қўмитага айлантирилди. Ёшлар ишлари кўмитаси раиси эътиб, депутат Азамат Зиё Ҳамид ўрни сайланди.

Парламент депутат О.Мурсумонова ҳуқуқматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси эътиб сайлангани муносабати билан уни Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси вазифасидан овоз қилди. Мазкур кўмита раислигига Қўнунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси уринбосари вазифасида ишлаб келаётган М.Сафоева сайланди. Парламент Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгаришлар киритди.

Шу кун иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси якунланди.

ВОКЕА ЖОЙИДАН РЕПОРТАЖ

Мамлакатимизнинг жанубий сарҳади — Сарийосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларида халқаро террорчиларни йўқ қилишнинг наватбағи бошқичи амалга ошириляпти. Тозалашлар давомида террорчилар дастлаб макон қилган Киштут, Ҳамидара ва Саринаво қишлоқларидан истирмалар топилди. Террорчилар бу ерлардан аллақачон қочиб бўлишган бўлса-да, ўқ-дори ва қуролашқалари қолган экан.

Сағдар даразининг Учқоғ тоғида ҳам сиқувга олинган жангариларнинг талвасали ҳаракатлари кузатилади. Разведкачиларнинг аниқ маълумотларига таяниб, уларга қақшатқич зарбалар берилди. Кейинги кунларда бундай ҳаракатлар тез-тез кузатиломоқда. Чунки об-ҳаво совий бошлаган. Помир тоғларига яқин бўлган Панжоб доғинга қор ёғди. Бу террорчиларга янада қийинчилик туғдирмоқда.

Кеча денгиз сатҳидан 4570 метр баландликда бўлган Бодомистон доғидан Исқандар қўлига ўтиш мумкин бўлган ҳудуд республика қўшинларининг махсус муҳандислик хизмати мутахассислари томонидан миналаштирилади. Қўнунинг иккинчи ярмида эса Боғи Самарқанд тепасидан Чўп дарасига элтвчи йўл ва Тожикистоннинг Панжикент ҳамда Айний туманларига чегарадош бўлган Сандақ қишлоғи ҳудудларида ҳам шу каби ишлар амалга оширилади. Бундан қўзланган мақсад битта — у ҳам бўлса чегараларни ташқи душмандан асраш.

— Ватанамиз мустақиллигининг 9 йиллигини биз ҳам кўтаринки руҳда кутиб олмоқдамиз, — дейди старшина Николай Зинченко. — Халқимиз, ота-оналаримизнинг ҳавотир олишларига ўрин йўқ, Байрамни жанговар постда нишонлаймиз. Саноқли қолган террорчилар эса албатта йўқ қилинади.

Ҳа, жамиятимизнинг руҳи тетик. Уларга байрам

ОТАЛАР ҚАРҒИШИ ЎҚ БЎЛАДИ, ОНАЛАР ҚАРҒИШИ ЙЎҚ ҚИЛАДИ


концерт дастурлари на-моёйиш этилмоқда. Бутун Бирлашган қуроли куларнинг Сарийосиёдаги бош штабда ҳарбийларга дастурхон ёзилиб, ош тортилади. Қуйлар қўшққа уланади. Жозибали рақслар барчани хушнуд этади.

Ватан сарҳадларини қўриқлаётган йигитларимизнинг ота-оналари, яқин биродарлари таширф буюришмоқда.

— Умуман Ақбаржон шу ерда, — дейди Самарқанд вилоятининг Пастдарғон туманидан келган Фотима Алимова. — Командирларига раҳмат. Сафдош дўстлари — ватанамиз қўриқчиларининг бошлари тошдан бўлсин. Отанинг қариши ўқ бўлади, онанинг қариши йўқ қилади. Биз оналар фарзандларимизга мадад тилаб, дуо қилаймиз.

Отажон, онажонлар дуолари ижобат бўлиши муқаррар. Жангчи йигитлар, албатта, душманни ер билан яқсон қилишади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШГАН АКЦИЯДОРЛИК-БИЖОРАТ «ГАЛЛАБАНК»И ЎҚУВ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

барча
юртдошларимизни
ҳамда кўп сонли мижозларини
энг улуг байрам —
МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 9 ЙИЛЛИГИ
билан чин қалбдан табриклайди.
Ушбу байрамнинг буюк руҳи ҳаммамизга
мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш,
амалга ошириладиган ислоҳотларни янада
жадаллаштириш, халқимиз турмуш
даражасини юксалтиришда
янги куч-ғайрат
бахш этсин!

АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИ:

«СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ»:

унда куйидаги омонат турлари таклиф этилади:

- 1 ойдан 7 ёшгача бўлган болалар учун — «7x25» омонат тури;
- 3 ойга 10 фоз миқдорда;
- 6 ойга 21 фоз миқдорда;
- 9 ойга 32 фоз миқдорда;
- 1 йил муддатга 40 фоз миқдорда.

Республикамиз Мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан барча фуқароларга байрам тухфаси сифатида «ИСТИҚЛОЛ — 9» омонат тури таклиф этилади:

- ◆ ушбу омонат тури бўйича ойига 3,9 фоз ҳисобланиб, ҳар ойдан сўнг қўшилган фоз суммасини бериш ёки
- ◆ ойига 4,1 фозли жадал бўйича 5 ойдан сўнг қўшилган фозни бериш омонат суммаси билан бериш кафолатланади.

Мустақиллиқнинг ўтган 9 йили давомида мамлакатимизда амалга оширилган ислоҳотлар жараёнида банк тизimini ривожлантиришга қатта аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, бозор муносабатларига ўттириш даврида банклар — иқтисодий тикланиш омили, соғлом иқтисодиётнинг қон томирдир. Рўй берган ўзгаришлар, эришилган натижалар ва энг асосийси иқтисодиётнинг молиявий тизимидаги янги ёндашувларда республика иқтисослашган акциядорлик-тижорат банки «Галлабанк» ва унинг бўлимларининг ҳам ҳиссаси катта.

Президентимизнинг «Галла мустақиллигига эришмасдан, сиёсий мустақилликка эришиб бўлмайди» деган фикрлари «Галлабанк» олдига катта масъулиятни қўяди. Бу вазифаларни республика «Галлабанк»и билан бирга унинг ўқув бўлими ҳам баҳол қудрат бажариб келмоқда.

Банк тизими хизматларини жаҳон талаблари даражасига кўтариш учун ўқув бўлими бир қатор ислоҳотларни амалга оширмоқда. Жумладан, банк капиталини кескин қўлайтириш, унинг молиявий ҳолати ва кредит портфелининг сифатини яхшилаш, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва хусусий тадбирдорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан кредит қўйилмаларини кенгайтириш, хусусий ресурслар базасини, шунингдек, акциялар иштирокидаги операциялар саломатини ўстириш, халқаро банклар билан алоқаларни кенгайтириш, банк операциялари ва хизматлари-



кредит ставкаларини пасайтиришга ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, «Зора» нон-жамов корхонаси 30 фозлик кредитдан 15 фозга туширилади.

Шу жумладан, банкимизда «Капитал-III» бир йиллик, «Капитал-II» икки йиллик, «Капитал-I» уч йиллик омонат турлари жорий этилган бўлиб, 42 фоздан 60 фозгача даромад туланади ва ҳар уч-олти ойда ва бир йилда қўйилган фоз даромадларини тўлаб беришни йўлга қўйганми.

нинг янги турларини жорий этиш, банк фаолияти ҳар бир жабҳасини маркетинг нуқтаи назаридан юритиш асосий йўналишларга айланган. Ушбу йўналишда олиб бориладиган сабъ-ҳаракатлар натижасида мижозлар сони ҳам ортиб бормоқда. Ҳозирда уларнинг сони 150 дан ортиқ. Шулардан 48 таси хусусий тадбирдорлардир. Бўлим қошида тадбиркорлар бурчаги мавжуд бўлиб, тадбиркорларнинг банк тизими бўйича тугилдиган савоаларига, кредит олиш йўли-ўриқлари ва бошқа кўнгина масалалар юзасидан жавоб олиш имконини беради.

Бўлим кичик ва ўрта тадбиркорларга, жумладан, деҳқон ва фермер хўжалиқларига, республика хусусий секторида ўз фаолиятини олиб бораётган тадбиркорларга томоғка хўжалигини ривожлантириш, кичик ҳажмдаги ишлаб чиқариш линияларининг бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратиш тизimini йўлга қўйган. Масалан, жорий йилда хусусий тадбиркорлар—Н.Мусаевага дурадоғорлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 1 миллион 150 минг, М. Юсуповага чорвачиликни ривожлантириш учун 968 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди. Мижозлар манфаатидан келиб чиқиб

Юқори малакали кадрлар ҳар қандай молия ва банк муассасаларининг равиш топиши учун муҳим омилдир. Бўлим, мутахассисларни танлаш ва уларни тайёрлашга катта эътибор берилади. 40 дан ортиқ киши меҳнат қилаётган ушбу бўлимда ходимларнинг 90 фозини ўғилар ташкил қилади. Кадрлар малакасини доимо ошириб бориш мақсадида турли ўқувлар ташкил қилинмоқда. Минтақавий банк ўқув марказида ўтказилган семинарларда ёш кадрлар қатнашиб, тажриба алмашмоқда. Бундан ташқари кадрларни уй-жой билан таъминлаш, дам олиш масканларига имтиёзли йўлланмалар, маданий ҳордиқ учун шарт-шароит яратиб берилаётган.

Республика иқтисослашган тижорат «Галлабанк»и ўқув бўлими бундан кейин ҳам халқимизнинг фаровон яшаш йўлида хизмат қилади, мижозларининг ишончли ҳамкори бўлиб қолади.

■ Амир ЗОКИРОВ, республика иқтисослашган акциядорлик-тижорат «Галлабанк»и ўқув бўлими бошқарувчиси

КЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛ ОРҚАЛИ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН: ТОШКЕНТ ШАҲРИ. ШАРОФ РАШИДОВ КЎЧАСИ, 94 «А» УЙ. ТЕЛЕФОНЛАР: 34-32-03; 34-41-59. ФАКС: 35-35-76.

«ҚЎҚОН ЁҒ-МОЙ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Саховатли ўқамизнинг азиз ва
хур фуқароларини Мустақиллик байрами
билан чин қалбдан табриклаймиз.*

Ўтган тўққиз йилнинг ҳар бир йилини буюк бир довонга, алп паҳлавонга ўхшатиш мумкин. Ана шу чўнг довонларни забт этиш осон бўлмаганидек, ҳар бир алп паҳлавон ҳам тоғдай оғир юкни ўз елкасида кўтариб ўтди. Бу — юрт юки, миллат юки, истиқлол юкидир. Фахр билан айта оламизки, ана шу баҳодирлар сафида бизнинг жамоамиз заҳматкашлари ҳам бор. Улар эл-юртимизнинг дастурхонини тўкин-сочин қилишдек эзгу ишга улкан улуш қўшиб келмоқдалар. Шу туйғайли қозон ҳам, чўмич ҳам мой.



«КЎМИР»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистоннинг барча аҳолисини, қолаверса, кўп минг кишилик кончиларимизни энг улғу байрам—мамлакатимиз Мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан самимий табриклайди. Айни пайтда бизнинг жамоаларимиз республикаимизда амалга ошириляётган иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга муносиб улғу қўшмоқдалар. Хорижий шерикларимиз билан ҳамкорликда кўпгина янги конлар очилди. Ангренда саноатимиз учун қимматбаҳо бўлган каолин хомашёси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу туфайли мамлакатимизнинг анчагина валюта захиралари тежаб қолинадиган бўлди. Шарғунлик кончилар ҳам ғайрат камарини белга боғлаганлар. Хуллас, кончиларимиз Истиқлол байрамимизга ёруғ юз билан келдилар.

*Байрамингиз муборак бўлсин,
азиз юртдошлар!*



ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ




Жаҳоннинг автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакатлари қаторига қўшилган Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларини ва хорижий шерикларимизни Мустақиллигимизнинг тўққиз йиллиги муносабати билан чин дилдан қутлайди.

Қисқа муддатда Асакада «ЎЗДЭУавто»,

Самарқандда «СамКочавто» заводлари қад кўтарди.

Бугунги кунда «Нексия», «Дамас», «Тико» ва «ЎзОтайўл» сингари Ўзбекистон автомобиллари йўлларда пайдар-пай қатнамоқда. Буларнинг барчаси Истиқлол шарофатидандир.



Азиз юртдошлар!
Мустақиллигимизнинг
тўққиз йиллик
шодиёнаси
барчамизга муборак
бўлсин!




«ТОШКЕНТСУТ»


ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистонимизнинг ҳур ва озод халқини
Мустақиллигимизнинг қўнғуз тўққуз йиллиги
муносабати билан қизин қўтлайди.*

*Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ўсиб,
маҳсулот ишлаб чиқариш миқдоси кенгайди. Халқимиз иқтисодий ислохотларни
буқуллаштириш йўлида ҳармай-толмай меҳнат қилмоқда.
Бизнинг аҳил жамоамиз юртимизда олиб борилаётган илғамли ишларни
қўллаб-қувватлайди. Бу борада бирмунча ютуқларга ҳам эришилди.
Яъни, хорижийлик шерикларимиз билан ҳамкорликда цехларни таямирлаш
ишларини олиб бордик. Янги-янги технологик линиялар, дастгоҳлар ўрнатилди.
Наатижада сифат кўтарилиб, янги маҳсулот миқдори кўпайди.
Мижозларимизга қўллаб маҳсулот етказиб беряптимиз.
Бизнинг ниятимиз — халқимиз дастурхонини янада пўткин қилиш.
Жонажон Ватанимиз халқини байрам билан муборакбод
этар эканмиз, ҳар бир шаҳар-қишлоқда, ўшада ширлик-осойишталик
бўлишини тилаймиз. Дастурхонимиздан пўткин-сойишлик,
қут-бароқа ҳеҳ қатон аримасин!*



Мамлакатимиз мустақиллигининг 9 йиллиги арафасида юртимизда кўп қўнғузлар, уй-жай бинолари ва бошқа иншоотлар қуриб битказилди. Шу билан бирга янги корхоналар, цехлар, қўшма корхоналар фойдаланишга топширилди. Булар юртимиз бойлигига бойлик қўшиб, одамлар фаровонлигини оширишга хизмат қилади.



ИСЛОХОТ ВА
МАСЪУЛИЯТ

равишда кўз очиб юмгунча ба-жарилади.

ШОДЛИККА ШОДЛИК УЛАНДИ


Корхона раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлари янгиликка ўч, тиниб-тинчимас одамлар. Шу боисдан ҳам акциядорлик жамиятида янги-янги ташаббуслар кўп бўлапти. Яқинда бу ерда сўни қайта ишлаш цехи фойдаланишга топширилган.

51 фоиз), Ўзбекистон томони эса 564 минг 941 долларни (49 фоиз) қўшишди. Қисқа муддатда линия усқуналари келтирилди. Польшалик мутахассислар эса линияни тез ўрнатилди.

сак, яна анчагина маблағни тежаб қоламиз.



Линиянинг тугмаси босилиши билан полиэтилен идишларга ёғ қўйилиб, қопқоқлар ёпилади. Ундан сўнг ёриқлар елимланади. Сўнг 8 тадан қилиб ўралган тайёр маҳсулот кўз ўнгингизда намоб бўлади. Бу жараёнинг барчаси автоматик



нади. Дастгоҳлар эса Германиядан келтирилди.

Корхона ўз қурилиш бригадаси аъзоларига қулай шароитлар яратиб берганлиги боис тезкор суръат таъминланди. Яъни, инсон омилга катта эътибор берилди. Ишчилар бепул икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган, ойлик маошлар ўз вақтида тўлаб борилади.

Корхона бош муҳандиси Йўлдош Умаровнинг айтишига кўра, аввалги пресслаш цехи эскириб, замон талабларига жавоб бермаган. Энди эса янги цехда сифатли маҳсулот чиқариш мумкин.

Корхонада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Жамиятга яқин жойдаги ташландик бино сотиб олинди, қадқоқлаш учун ишлатиладиган ярим ва бир литрлик полиэтилен идишлар тайёрлайдиган цех қуриб битказилди.



Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги академик Тошмуҳаммад Саримсоқов номидаги ширкат хўжалиги деҳқонлари мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тошириш йиллик шартномасини бажариб, истиқлол байрамга муносиб меҳнат совғасини тайёрладилар.

ОҚ КАРВОН — ОЛТИН КАРВОН

Меҳнат муваффақияти — пахтачиликка илгор технологияни дағул жорий этиши, чигитни плёнка остига экишни кенг йўлга қўйиш, пахтанинг эрта-пишар нави миришкорлик билан парваришлаш шарофати ҳануз.

Юлдузхон Абдусатторова, Фотиҳахон Ортиқова сингари кўлаб теримчилар мавсум ҳисобини 3-4 тоннаданга етказдилар. Дада бошида меҳнатига яраша пула олишди.

шига 50 центнерга етказиш ниятида.

Оқ карвон — олтин карвонлар кўнгилаарни қувончга тўлдиряпти.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

1887 тонна ҳосил қайта ишловчи корхонага топширилди. Сафарали Омонов, Абдумутал Шерғоиев, Зухриддин Бердиқулов, Илхомжон Мадамиев, Сағриддин Кенжаев, Аҳмаджон Қодиров, Қодиржон Фурӯровлар бошчилигидаги бригадада ҳосил хирмони кундан-кунга юксалмоқда.



Фозилова,


«ТОЛА»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 9 йиллик шодигинасини ёрғуз юз билан кўтиб олмоқда. Ҳар айём кунда мамлакатимиз халқига байрам кўнгливини йўллайди.

Меҳнат жамоаси мамлакат Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тиллачилиқни ривожлантириш тўғрисидаги Фармонлари ва қарорларидан руҳланиб, соҳани ривожлантириш мақсадида салмоқли юмушларни амалга оширмоқда. Тайёрланган маҳсулот ички ва ташқи бозорга муваффақиятли сотилмоқда.

Корхона меҳнат аҳли ишлаб чиқаришни ривожлантира бориб мамлакат иқтисодиёти раванқига муносиб улмуш кўшаётганлигидан фахрланади.



«КАФОЛАТ»

ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК СУҒУРТА КОМПАНИЯСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ

Тошкент шаҳридаги барча суғурталанувчиларни умуммиллий байрам — МУСТАҚИЛЛИК КУНИ билан чин дилдан муборакбод этади.

Орзу-умидларга, қувончга тўла бу кунда барчага тинчлик ва хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ ва юртимиз раванқи йўлидаги ишларида омадлар тилаб қоламиз.

Оилангизга тўкин-сочинлик, бахт тилаймиз. Ишонч ва эътиқод сизни тарк этмасин.

«Кафолат» ДХСКнинг Тошкент шаҳар бўлими пойтахтнинг барча туманларида ўз шохобчаларига эга.

УЛАРНИНГ МАНЗИЛ ВА ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Юнусобод — Юнусобод, 2-мавзе, 8-уй
24-95-37; 24-98-67

М. Улугбек — Булок ипак йўли, 42

68-38-56; 68-58-37

Миробод — Нукус кўчаси, 18

133-24-03

Шайхонтохур — Хурийд кўчаси, 1-А

41-70-55; 41-71-17

Яккасарой — Сапёрлар кўчаси, 10. 56-63-69

А. Икромов — Чилонзор, 22-мавзе, 10-А уй. 75-44-73

Сергели — Спутник, 1-мавзе, 70-уй. 58-33-68

Ҳамза — М. Ҳасанова кўчаси, 3. 96-43-50

С. Раҳимов — Қорасув кўчаси, 270-уй. 48-35-30

Бектемир — Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 9. 90-34-69

«Кафолат» давлат

хиссадорлик суғурта


компаниясининг

Тошкент шаҳар

бўлими сизга хиз-

мат кўрсатишдан

бахтиёрдир!



НАМАНГАН ВИЛОЯТ «МАТЛУБОТСАВДО»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

республика аҳлини энг улуғ, энг азиз байрам—Мустақиллигимизнинг 9 йиллиги билан чин юракдан муборакбод этади.

Барча соҳаларни қамраб олган ислоҳотлар жараёнида ҳаммангизга омад ва муваффақиятлар тилаймиз. Юртимизда доимо тинчлик ҳукмронлик қилсин. Барчангизнинг дастурхонингизга тўкинлик, умрингизга боқийликни Оллоҳ насиб айласин.



«АСАКА ЁҒ»

ОЧИҚ ТУРДАГИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Серқуёш Ватанимизнинг ҳар бир фуқаросини энг қизғ, энг азиз байрамимиз — Истиқлолнинг тўққиз йиллиги муносабати билангин юракдан мубораквод эътади.

Ўзбекистонимиз халқи ушбу шодиёнага улкан ютуқлар билан келди. Иқтисодий ислохотлар жадаллик билан ривожлантирилди. Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди. Эндиликда Ўзбекистон тамғаси туширилган маҳсулотлар жаҳонга чиқмоқда.

Мустақиллик йилларида биргина «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси бизнинг кичкинагина Асакамиз довуғини дунёга таратди. Бундан ташқари турли замонавий қўшма корхоналар қад кўтариб, фаолият юритмоқда. Буларнинг барчаси Истиқлол шарофатидир.

Навқирон корхонамиз ҳам шулар жумласидандир. Янги-янги технологик линиялар, цехлар қурилмоқда. Маҳсулот турлари кўпайиб, сифати ошаётир.

Ниятимиз — эл дастурхонига мўл-кўл экологик жиҳатдан тоза ўсимлик ёғи етказиб бериш.

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



1991 – 2000




НАМАНГАНДАГИ «АСНАМ ТЕКСТИЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

1991 — 2000

Ўзбекистон халқини
МАМЛАКАТ
МУСТАҚИЛЛИГИНИ
ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИГИ
шодиёнаси билан
самимий муборакбод
этади.

Уларга
соғлиқ-саломатлик
ва ишларида
каттадан-катта
зафарлар тилайди.
Юртимиз
тинч ва озод,
меҳнатсевар
халқимизнинг
иқболи
баланд,
мустақиллигимиз
мангу бўлсин!



ШАХРИСАБЗДАГИ «КУМУШ»

ОЧИҚ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон
халқини мамлакатимиз
Мустақиллигининг
тўққиз йиллиги
муносабати
билан қизгин ва
самимий муборакбод
этади.

Кейинги вақтларда Ватанимизда пиллачиликни
ривожлантиришга катта эътибор берилаётир.

Шу боис бизга қайта ишлаш

учун мўл ва сифатли хомашё келди. Айни пайтда ана
шу ҳосилни қайта ишлаш билан шуғулланмоқдамиз.

Халқимизни қутлуғ байрам билан табриклар эканмиз, ҳар бир
хонадонга тинчлик-хотиржамлик ва фаровонлик тилаймиз.

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

ҚАДИМИЙ БОЗОР ЯНА ТИКЛАНДИ

Қадимда «Мир-Жаҳон» бозори «Буюк
ипак йўли»даги энг катта бозорлардан
ҳисобланган. Бу бозордан Ҳиндистон,
Арабистон, Эрон, Сурия, Миср, Туркия,
Покистон, Франция, Италия ва Россия
каби мамлакатлар савдогарлари маҳсулот-
ларни улгуржи олиб, ватанларига қай-
тишган. Шунинг учун ҳам бу бозорда
маҳсулот турлари кўп бўлиб, савдогарлар
билан гавжум бўлган. 1936 йилда эса
Сталин қатғони оқибатида бозор бу-
зиб юборилган. Мустиқиллик даврида
Нарпай туман ҳокимилиги ташаббуси билан
бозор айнан эски жойида хашар йўли
билан қурилиб, 1999 йилда ишга туши-
рилди.

Эндиликда бу ерда бюджетга тушаёт-

ган тушумнинг ортиб бораётганини диқ-
қатта сазовордир. Ҳар ойда 600-610 миңг
сўм тушум давлат бюджетига тушаётган-
лиги бозор иши юришайтганидан дарак
беради.

Бозор маъмурияти туман прокуратура-
си, ИИБ, солиқ инспекцияси ва
санэпидстанция ходимлари билан ҳам-
корликда бозордаги тартиб ва назоратни
тўғри йўлга қўйишда самарали иш олиб
бормоқда.

— Байрам шарафига от, қорамол, қўй
савдоси бўлимини ишга тушираемиз, —
дейди бозор директори Олим Бозоров.

■ **Ўткир ПЎЛАТ**

ҒАМХЎР АМАКИЛАР

Наманган вилоятининг
ўрта мактаблари ўқувчи-
лари янги ўқув йили
арафасида вилоят ташки-
лотларидан 8,5 миллион
сўмлик китоб ва дарслик-
лар олдилар. Туман
ҳокимликлари шу мақсад
учун ҳар бири 1 миллион
сўмдан маблағ ажраттиди.

Вилоят ҳокимилигининг
ташаббуси билан мактаб-
ларга ёрдам ўн кунлиги
юқоридаги натижаларни
берди. Жумладан, 49-
мактаб-интернатга Ташки-
лотларидан алоқалар
вазирлигининг вилоят
бўлимига телевизор, нон
комбинати ва «Шойи»

ҳиссадорлик жамияти эса
биттадан компьютер ҳада
этади.

Ўқувчилар байрам
арафасида ғамхўр амаки-
ларидан хурсанд бўдилар.

■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири

ТОШДАГИ СИРЛИ ЁЗУВЛАР

Самарқанд вилояти Нуробод тумани-
нинг Жом қишлоғида яшовчи ўқитув-
чи Абдуманнон Ёркулов иморат учун
ер текислаётганда сирли ёзуви қади-
мий тош бўлақларини топиб олди. Қаҳ-
рамо тусли, доира шаклдаги тош бўлақ-
лари аслида яхлит бўлганлиги шундоқ
сезилиб турибди.

— Тошдаги шакл ва белгилар Миср
иероглиф ёзувларига ҳам, миххат ёзув-
ларига ҳам, сомиёй ва юнон ёзувларига

ҳам ўхшамайди, — дейди тарих фани
ўқитувчиси, 21-мактаб музейи раҳбари
Абдуманнон. — Белгилар орасидаги
буғдой тасвири назарда тутилса, уни
илохий китоб «Авесто» даврига хос, дея
тахмин қилиш мумкин.

Буёғи энди қилни қирқ ёрадиган
қадимшунос ва манбашунос олимлари-
миз нигоҳи ва ақд-заковатига боради.

■ **Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Газетанинг навбатдаги
сони 7 сентябрь,
пайшанба кунини чиқади.

БОШ МУҲАРРИР

АЗИМ СУҲОН

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Абдулла ОРИПОВ

**Абдулҳафиз
ЖАЛОЛОВ**

**Қозоқбой
ЎЎЛДОШЕВ**

Ислоом ШОҒУЛОМОВ

Норбобо ШАКАРОВ
(бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари)

Алимқул СУЛТОНОВ
(бош муҳаррир
ўринбосари)

Андрей ОРЛОВ
(бош муҳаррир ўринбосари
«Голос Ўзбекистана»)

Бахтиёр ҲАМИДОВ
(масъул котиб —
«Ўзбекистон овози»)

Валерий ЛАБАРЕШНИХ
(масъул котиб —
«Голос Ўзбекистана»)

МУАССИС:



**ЎЗБЕКISTОН
ХАЛҚ
ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ
КЕНГАШИ**

БЎЛИМЛАР:

Сўйрат ва ҳуқуқ —
133-44-55
Иқтисодийёт —
133-76-04
Маънавият —
133-07-20
Хатлар ва
оммавий
ишлар —
133-12-56, 136-55-16
Ахборот —
133-12-56
Котибият —
133-21-43
Реклама ва эълонлар
133-47-80, 133-38-55,
Факс —
133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ

МУҲБИРЛАРИ:

Анджсонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоида — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-53-16;
Урганда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

**70000, ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР
КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

Навбатчи
Абдумалик БОБОВЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»-
нинг компьютер марказида
териали ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи
Икром ИСМОИЛОВ

«Шарқ» нашрийт-матбаа
концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтинчи тартиби
№ 00004
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 боғна табоқ.
«Ўзбекистон овози»
материалларини кўчириб
босиш фақат таҳририят
руҳсати билан амалга
оширилади.
Г — 702

Толтириш вақти -- 21.00.
Толтирилади -- 2.00.
1 2 3 4 5 6

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«ЎЗБЕКISTОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА